



ЛАТВИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ

Ўзбекистон ва Латвия уртасидаги узаро ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Хусусан, ҳозир Латвиянинг 20 дан зиёд ҳиссадорлик жамиятлари, фирма ва компанияларнинг мамлакатимизда фаолият кўрсатаётгани, Ўзбекистон—Латвия қўшма корхоналари сонининг тобора ортиб бораётгани фикримиз дадиллидир. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг утган йили Латвияга ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатлар ушбу ҳамкорлик ривожини учун муҳим ҳуқуқий асос яратди.

Ўзбекистон Президенти Гунтис Улманиснинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бошланди. Латвия Президентига йирик тадбиркорлар ва журналистлар гуруҳининг ҳамроҳ бўлиб келгани ушбу ташрифининг узаро ҳамкорликнинг истиқболларини белгилаш, қолаверса, халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштиришда муҳим ўрин тутишидан дарак беради.

Латвия Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Иттиқ Султонов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва бош-

қа расмий кишилар қутиб олди. Юксак мартабали меҳмонга миллий либосдаги қизлар анвойи гуллар тақдим этди. Автомашиналар карвони Латвия ва Ўзбекистон давлат байроқлари ҳилпираб турган Тошкент кўчалари бўйлаб Дурмондаги қароргоҳ сари йўл олди.

Дурмондаги қароргоҳда Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманисни расмий қутиб олиш маросими бўлди. Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманис ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шохсупага қутарилдилар. Латвия ва Ўзбекистон давлат маҳдўллари янгради. Президент Гунтис Улманис ва Президент Ислам Каримов фахрий қорувул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сунг, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Латвия Президентига Гунтис Улманиснинг яқмама-яқма суҳбати бўлди. Икки давлат раҳбарлари узаро суҳбат чоғида мамлакатларимиз уртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, минтақавий ва халқаро муаммолар билан боғлиқ баъзи масалалар юзасидан фикрлашдилар.

СУРАТДА: Дурмон қароргоҳида Латвия Президентига Г. Улманисни расмий қутиб олиш пайти. **Р. ШАГАЕВ (ЎЗА) олган сурат.**

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОННИНГ ДИҚҚАТ ЭЪТИБОРИДА

Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманиснинг Ўзбекистонга ташрифининг иккинчи куни мамлакатларимиз муносабатлари тарихига муҳим саҳифа бўлиб қирадиган ўрашувлар, музокаралар, мулоқотларга бой бўлди. 23 май куни Дурмондаги қароргоҳда Ўзбекистон ва Латвия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибидagi музокаралари бўлиб ўтди.

Президент Ислам Каримов Гунтис Улманисни ва Латвия расмий делегациясини мамлакатимизга ташрифи билан қутлар экан, халқимиз бу ташрифни узаро муносабатларни янада ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам сифатида қарши олаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари истиклолат эришгандан сунг мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва уларнинг дастлабки натижалари ҳақида сузлади. Халқаро сиёсийлар, хусусан, халқаро валюта фонди ҳам жаҳон банки мутахассислари Ўзбекистондаги ислоҳотлар МДХдаги бошқа давлатлардаги нисбатан самаралроқ бўлаётганини эътироф қилганини қайд этди.

Ўзбекистон бугунги кунда нафақат МДХга аъзо мамлакатлар, балки дунёнинг бошқа давлатлари, хусусан, Европа Иттиқоқи билан ҳам узаро манфаатли ҳамкорлик урнатмоқда. Шу йил июль ойида Ўзбекистон билан Европа иттиқоқи уртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланиши кутилаётган. Ислам Каримов Ўзбекистон Латвия билан нафақат икки томонлама, балки Европа иттиқоқи доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиши мумкинлигини қайд этди.

Икки томонлама иқтисодий алоқалар ҳамда гап кетганда, енгил санат, транспорт ва коммунал хўжалик соҳасидаги ҳамкорлик алоҳида таъкидлаш керак. Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатларимиз қўнғунбузарлик ва жонийлик, норкобизнес ва террорчиликка қарши кураш соҳасида ҳам ҳамкорлик қилиши мумкинлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 2000 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ИЖТИМОЙ ИНФРАСТРУКТУРАСINI РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тулиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ўзистқоблестат» Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган 2000 йилгача бўлган даврда Қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тасдиқлансин.
2. 1996-1997 йилларда Қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурига маблағ билан таъминлаш манбалари ва уларнинг буюртмачилар ҳамда асосий пудратчи ташкилотлар бўйича тақсимланиши белгилансин.
3. «Ўзистқоблестат» Давлат қўмитаси белгиланган буюртмачилар билан биргаликда қурилишларнинг аниқ рўйхатларини белгиланган тартибда тасдиқласин, уларда бюджетдан ажратилган маблағларнинг қишлоқ жойларда қурилишга тайёрлиги юқори даражасида бўлган мактаблар ва соғлиқни сақлаш объектлари қурилишини тугаллашга йўналтирилишини назарда тутсин.
4. «Ўзистқоблестат» Давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари 1998-2000 йилларга мўлжалланган иллик инвестиция дастурларини тузишда қишлоқнинг ижтимоий инфраструктурасини ривожлантиришга бид белгиланган топшириқларнинг бажарилиши учун маблағ билан таъминлашнинг турли манбалари ҳисобига зарур маблағлар ажратилиши назарда тутилсин.
5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддат

ЭКИНЛАР ПАРВАРИШИ НЕГА КЕЧИКЯПТИ?

Самарқанд вилояти Гузалкент тумани фермерларининг йиғилиши бўлди. Унда гуза ва дон экинлари парваридиши кучайтириш, галла урим-йиғимига тайёргарлик масалалари муҳокама этилди. Йиғилишни вилоят ҳокими А. Мардиев бошқарди.

Сузга чиққанлар утган йили туманда пахта ва галла ҳосилдорлиги паст бўлиб, белгиланган режалар уддаланмай қолганини эслатиб ўтдилар. Афсуски, жорий йилда ҳам бу борада жиддий камчиликлар тақдорланмоқда. Гуза парваридишида ута сусткашликка йўл қўйилмоқда. «Навбахор», Шароф Рашидов номидаги, «Дустлик», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлариди аҳвол, айниқса, ачинарли. Галлачиликда ҳам аҳвол шундай. Жойларда мавжуд ишчи кучи ва техникадан тулиқ фойдаланилмаётган, далада ишловчилар учун етарли шароит яратилмаган. Йиғилишда ана шу камчиликларга тезда барҳам бериш чора-тадбирлари белгиланди.

Республика Бош вазирининг уринбосари Р. Гиниятуллин йиғилишда сузга чиқди.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1996 йил 21 май.

Пилламиз — тилламиз

ҲОСИЛ ХИРМОНГА ТУШДИ

Ипакдан тайёрланган газлама ва кийимликлар, шунингдек, бошқа хил маҳсулотлар нафақат юртимизда, Осиё мамлакатлари, ҳатто Фарба қадимдан қадрланади. Минг йиллар бурун ҳам олис улкалардан савдогарлар келишиб ипак ҳарид қилишган. Заминимизда етиштирилган хом ашё дувругини оламга таратишган.

Авлоддан авлодга утиб келаётган ибора — пилламиз — тилламиз деб бежиз айтилмаган. Унинг замирида катта ҳикмат мужассам. Пилла сотса бойлик, инсонга кийимлик, айирбош қилинса ризқ-рўз. У шундай қимматбаҳо ноёб хом ашё.

Ҳозир мамлакатимиз пиллакорлари учун гоят масъулиятли онлар. Кумуш тола иждодкорлари тунни тонгга улаб қўзланган ҳосилни олиш ҳаракатидилар. Бунга эришиш учун қуртхонадан ҳар дақиқа хабардор бўлиб туриш зарур. Негаки, ипак қурти шундай нозик жониворки, озгина бепарволик қилинса еки сифатли емиш берилмаса катта ҳосил йўқотилиши мумкин. Ҳа, пилла бир ой тинимсиз машаққатлар эвазига етилади.

Сурхондарда йилнинг илк ҳосили — пилла топшириш бошланди. Оппоқ кумуш тола ортилган қарвонлар қабул пунктлари томон кетма-кет йўл олаётган. Юрт бойлигига бойлик, эл топган-тутганига қут барака қўлланмоқда.

— Вилоятимиз пиллакорлари астойдил меҳнат қилдилар, — дейди Сурхондар вилоят пиллачилик бирлашмаси агрономи Ольга Владимировна Қуватова. — Меҳнатлари натижасини қуриб пиллакорлар беҳад мамнун. Купчилик мўлжалдагидан зиёда ҳосил топширяпти.

Ҳақиқатан ҳам дастлабки кунлардан оқ пиллакорларга салмоқли кумуш тола жунатилмоқда. Термиз тумани қабул пункти ҳодимлари бугунгача бир ярим минг килограммга яқин сифатли хом ашёни қабул қилиб олишди. Бунда «Дустлик», «Намуна» жамоа хўжаликлари пиллакорларининг муносиб улуши бор.

Шунингдек, Ангордаги Маматқул Азимов номли, Шурчи, Денов, Жарқўрган туманларидаги қатор хўжаликларда ҳам йилнинг илк ҳосилини бир жойга тушлаш ишлари қизган.

Мавсумни кўнгилдагидек утказишга пухта ҳозирлик қилинди. Ипак қурти борсалар билан вақтида таъминланди. Ҳосил сақланганидан ва қуригилганидан жойлар талаб даражасида келтирилди. Бу йил вилоят бўйича 21433 қурти ипак қурти боқилди.

